

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Тўраев Дилмурод Рўзимуродович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура

II-даражали “Ташкилий-тактик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси.

Аннотация

Мақолада ахборот-таҳлил тушунчаси, моҳияти, ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларга оид илмий қарашлар, шунингдек ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида қонунлар ижросини таъминлашда ахборот-таҳлил фаолиятини аҳамияти ҳамда ушбу фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ахборот, таҳлил, таҳлил қилиш, ахборот-таҳлил фаолияти, тергов бўлинмаларида ахборот-таҳлил фаолиятининг мақсади, ахборот-таҳлил вазифаси, ахборотлардан фойдаланиш истиқболлари.

**ВАЖНОСТЬ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-
АНАЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СЛЕДСТВЕННЫХ ОРГАНАХ
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ**

Аннотация. В статье развиваются понятие информационного анализа, его сущность, научные взгляды на процессы, связанные с использованием информации, а также роль информационно-аналитической деятельности в правоохранительных органах, а также предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию.

Ключевые слова: информация, анализ, анализ, информационно-аналитическая деятельность, цель информационно-аналитической деятельности в следственных органах, задача информационно-аналитической, перспективы использования информации.

**THE IMPORTANCE OF IMPROVING INFORMATION AND ANALYSICAL
ACTIVITY IN THE INVESTIGATION DEPARTMENTS OF INTERNAL AFFAIRS**

Annotation

The article develops the concept of information analysis, its essence, scientific views on the processes associated with the use of information, as well as the role of information and

analytical activities in law enforcement agencies, as well as suggestions and recommendations for further improvement.

Keyword: information, analysis, analysis, information-analytical activity, purpose of information-analytical activity in investigation departments, task of information-analysis, prospects of information use.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади. Мамлакатимизда барча соҳалар фаолиятини ҳозирги кун талабларига мослаштириш ва хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш мақсадида ахборот-таҳлил фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда [1]. Мазкур вазифаларни самарали бажариш биринчи навбатда ички ишлар органлари бошқарув тизимида ва ходимлар меҳнатини ташкил этиш билан боғлиқ барча хато ва камчиликларни, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарорида ходимларни, шу жумладан уларни хизмат фаолиятдан ажратмаган ҳолда ўқитиш ва махсус касбий тайёрлаш, мажбурий қайта тайёрлаш ва доимий малакасини ошириб боришнинг ички ишлар органлари кадрлар салоҳиятини оширишга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг биринчи устувор йўналиш сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаси қилиб белгиланган [2].

Биргина ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Тергов департаменти ташкил этилди [3].

Департамент зиммасига жиноятларни тергов қилиш амалиётини **комплекс ва тизимли таҳлил қилиш**, шу жумладан жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон

яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, жинойтларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилинишини, суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек тергов бўлинмаларининг кадрлар таркибини шакллантириш ва ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига суриштирув ва дастлабки терговни юритишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек ўта мураккаб, вилоятлараро хусусиятга эга, республикада шов-шувга сабаб бўлган, шу жумладан уюшган жиноий гуруҳлар ва уюшмалар томонидан содир этилган жинойтларни бевосита тергов қилиш, қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этишнинг шакл ҳамда услубларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби асосий вазифаларни бажариши белгилаб қўйилди.

Тергов департаменти томонидан вазирлик фаолиятини жорий ва истиқболли режалаштириш, ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ривожланишининг асосий йўналишлари ишлаб чиқиш, шу жумладан жинойтларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш, терговга қадар текширув ва жинойт ишларини юритишда қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этишнинг шакл ҳамда услубларини янада такомиллаштириш, жинойтларни тергов қилишнинг муаммоли масалалари юзасидан **ахборот-таҳлилий маълумотларни** тайёрлаш ва тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига киритишга қаратилди[4].

Ахборот – бу манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир. Таҳлил эса, юнонча сўз бўлиб, “пастдан юқорига” ёки “бутунлай” деган маъноларни англатади [5].

Ахборот-таҳлил фаолияти – ички ишлар органи бошлиғининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш, шунингдек ички ишлар органининг бошқа вазифаларини амалга оширишда кечиктириб бўлмайдиган, асосланган ва омилкор бошқарув қарорларини ишлаб чиқишини таъминлашга қаратилган фаолияти тушунилади.

Демак, ички ишлар органлари тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва уни самарали бошқариш тизимини йўлга қўйиш учун ахборот-таҳлил фаолиятини тизимда қўллаш эҳтиёжи юқорилиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси мазмунида: “Ички ишлар органлари ўз фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланади” [6] деб номланган ҳуқуқий норма ҳам тизимда ахборот-таҳлил фаолияти борасида кенг кўламли ишларни олиб бориш орқали бугунги кундаги халқчил тузилмага айлантиришни ўзида мақсад қилган.

Ахборот-таҳлилий фаолият соҳаси чуқур ўрганилмаган соҳалардан ҳисобланганлиги сабабли миллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан уни такомиллаштириш бўйича кўплаб монография, илмий иш ва диссертациялар ўтказилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, миллий тадқиқотчилардан Д.Темиров, Ф.Рустамов, И.Бобокуловларнинг тадқиқотларида ахборот-таҳлилий иш, тизимли таҳлил масалалари кенг ёритилган. Ахборот-таҳлилий фаолиятнинг бошқарув қарорларини қабул қилишдаги ўрни, уни жорий этишнинг илмий ва амалий аҳамияти тўғрисида хориж олимларидан М.Мескон, М.Альберт, Х.Франклин, Х.Й.Фольмут, Д.Садлер, Э.Сичаковаларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган. Лекин ушбу тадқиқотларда айнан ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида ахборот-таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти ва самарадорлигини ошириш усуллари ёритилмаган. Миллий тадқиқотчилар томонидан эса тергов бўлинмаларида ахборот-таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти ўрганилмаган[7]. Таниқли олим Ю.В.Курносовга кўра “ахборот-таҳлил фаолияти -маълумотларни самарали қайта ишлаш имконини берувчи ҳамда мавжуд билимларнинг сифатини ошириш ва янги билимлар олишга қаратилган оптимал бошқарув”[8].

Д.З.Филиппенкова эса, ахборот-таҳлил фаолияти тушунчасини “юқори сифатли ва самарали бошқарув жараёни учун зарур бўлган ахборот жараёнлари (маълумотларни йиғиш, қидириш, қайта ишлаш) мажмуидир. Ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, қўллаш ва узатиш ҳар қандай фаолиятнинг мувофақиятли ажралмас элементи бўлиб хизмат қилади” деб таъкидлаган[9].

Умуман олганда ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятига доир маълумотлар қуйидаги шаклда йиғилади ва таҳлил қилинади:

- хизмат ҳудудида ижтимоий-иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга оид статистик маълумотлар;
- ички ишлар органларининг куч ва воситалари, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, тартиб-интизом ва қонунчиликка риоя этиш ҳолатига оид маълумотлар;
- ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ахборот-таҳлил маълумотлари;
- суд-ҳуқуқ амалиётига оид маълумотлар;
- ички ишлар органлари фаолиятини текшириш ва назорат қилиш бўйича тузилган маълумотномалари;

– криминоген вазият ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар, аҳолининг ички ишлар органлари фаолиятига бўлган муносабатига оид маълумотлар;

– жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари;

– ички ишлар органлари фаолиятига доир маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларидаги лавҳа ва мақолалари ҳамда интернет маълумотлари.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан 2022 йил 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи йиғилишида: Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳар ва Бўстонлиқ тумани ИИБлари негизда “Намунавий шаҳар ИИБ” ва “Намунавий туман ИИБ” лойиҳаларини амалга ошириш доирасида сервер хона ва маълумотлар узатиш тармоқлари яратилиб, янги инновацион ечимларни ўз ичига олган ахборот тизимлари рақамлаштириш технологиялари жорий этилди. Давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш мақсадида ИИБ ва Ахборот технологиялари вазирлиги ўртасида “Ҳамкорлик келишуви” тасдиқланиб, жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда 18 турдаги ҳужжатлар “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олиниши йўлга қўйилганлиги” қайд этилган [10].

Ахборот-таҳлил фаолиятининг услублари деганда, ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишда кам куч сарфлаб кўпроқ натижага эришишнинг йўллари тушунилади.

Энди содир этилган жиноятларнинг аниқ таҳлили ҳақида фикр юритадиган бўлса, фирибгарлик жинояти Тошкент шаҳри (1 921/8 301), Тошкент (905/1 748), Самарқанд (789/1 271), Сирдарё (163/526), Жиззах (197/404), Бухоро (779/1 193), Навоий (281/483), Фарғона (2 274/5 320), Андижон (615/1 077), Наманган (655/1 167), Сурхондарё (463/1 010), Қашқадарё (525/905) ва Қорақалпоғистонда (331/525) ўсганлиги ҳисобига республикада 133,9 фоизга (10 496/24 554) ошган.

Фирибгарлик жинояти энг кўп Фарғона шаҳрида 1 454 та, Юнусободда 1 172 та, Чилонзорда 1 122 та, Мирободда 1 081 та, Шайхонтохурда 763 та, Қўқон шаҳрида 725 та, Олмазорда 675 тадан, М.Улуғбекда 661 та, Яшнободда 631 та ва Яккасаройда 605 та содир этилган.

Ўғрилиқ жинояти Тошкент шаҳри (966/6 538), Тошкент (837/1 764), Самарқанд (429/749), Сирдарё (267/442), Жиззах (178/220), Бухоро (453/843), Навоий (228/323), Фарғона (2 251/5 041), Андижон (477/687), Наманган (613/999), Сурхондарё (386/657), Қашқадарё (419/586), Хоразм (374/425) вилоятлари ва Қорақалпоғистонда (260/411) ошганлиги сабабли республикада 141,7 фоизга (8 164/ 19 732) ўсган.

Ўғрилиқ жинояти энг кўп Фарғона шаҳрида 1 658 та, Чилонзорда 1 096 та, Қўқон шаҳрида 1 033 та, Юнусободда 990 та, М.Улуғбекда 634 та, Яшнободда 519 та,

Шайхонтохур 511 та, Янгиҳаётда 510 та, Учтепада 469 та, Бектемир туманида 419 та содир этилган [11].

Инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириш давом этмоқда.

Бироқ бугунги кунда айрим вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан жиноятлар ҳақида хабарларни кўриб чиқиш ва жиноят ишларини юритишда маълумотлар алмашинувини қоғоз шаклида амалга оширишни тақозо этмоқда.

Бу эса ўз навбатида жиноятни тезкор ва тўлиқ фош этиш учун муҳим бўлган маълумотларни ўз вақтида олиш имкониятининг мавжуд эмаслигидан далолат беради ҳамда дастлабки тергов органлари фаолиятида процессуал муддатлар бузилишига олиб келиб, иш бўйича исботланиши талаб қилинадиган ҳолатлар қисқа муддатда ва ҳар томонлама текшириб чиқилишига тўсиқ бўлиб келмоқда.

Ислохотларнинг давоми сифатида тергов фаолиятини янада рақамлаштириш ва ишни судга қадар юритиш жараёнида ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизимини йўлга қўйиш мақсадида жорий йилнинг 1 май кунидан эътиборан «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими ишга туширилиши белгиланди[12].

Ушбу ахборот тизими орқали суриштирув ҳамда дастлабки терговни амалга оширувчи процесс иштирокчилари томонидан келгусида ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва жиноят иши бўйича зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш имконини беради. Шу билан бирга суриштирувчи ва терговчиларнинг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномаларини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишида юборилади.

Жиноят ишининг дастлабки терговчи давомида аниқланган жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкини хатлаш, қидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш тартиблари жорий этилади.

Ушбу тизимни жорий этилишининг афзалликлари шундаки,

- терговчи ва суриштирувчиларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари ва терговга қадар

текширув олиб борилган материалларнинг махсус электрон базаси яратилади;

- жами 29 та вазирлик ва ташкилотларга онлайн сўровлар юборилиб, жавобини 1 кун ичида онлайн тарзда олиш имкони пайдо бўлади;

- жиноят иши доирасида мулкларни хатловдан ўтказиш ва тақиқ ўрнатиш ҳамда гумон қилинувчи ёки айбланувчини давлат чегарасидан чиқишга тақиқ қўйишнинг электрон тизими яратилади, бунда мазкур тоифадаги шахсларни тергов ва суддан яширинишига чек қўйилади;

- процесс иштирокчиларини тергов жараёнига онлайн смс хабарнома орқали чақиртириш имконияти яратилиши натижасида, терговчи ва суриштирувчиларнинг вақти тежаллади ҳамда чақирув қоғозининг қоғоз шаклидан тўлиқ воз кечилади;

- терговчи ва суриштирувчиларнинг иш юритувидаги жиноят ишларининг дастлабки тергов натижалари юзасидан 25 дан ортиқ таҳлилий ҳисоботларини 30 сония ичида электрон шакллантириш амалиёти йўлга қўйилади;

- Тергов департаменти томонидан жиноятларни назоратга олиш ва ҳар ойнинг 15 санасига қадар масъул ходимлардан тергов жараёни тўғрисида маълумотларни талаб қилиш, жиноят иши бўйича юқори турувчи ташкилотлар томонидан берилган ёзма кўрсатма бажарилиши механизмлари ва уни назорат қилиш усуллари электрон шаклда амалга ошириш имконияти яратилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ахборот-таҳлил натижасида ички ишлар органлари фаолиятини келгусидаги истиқболларини белгилаш йўналишлари сифатида қуйидагиларни таклиф-тавсиялар сифатида айтиб ўтиш ўринли бўлади:

биринчидан, ички ишлар органларининг халқчил ва замонавий тузилмага айлантириш учун ахборот-таҳлил фаолияти муҳим восита ҳисобланади;

иккинчидан, ҳар бир туман (шаҳар) ёки вилоятлар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаларининг муваффақиятли таъминланишида ахборот-таҳлил фаолиятининг қай даражада йўлга қўйилганлиги орқали баҳо бериш ҳамда мониторинг қилиш билан асосланади;

учинчидан, мамлакатимизда ахборот-таҳлил фаолиятдан фойдаланиш орқали маъмурий ҳудудда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда криминоген вазиятнинг ҳолати ва хусусиятига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш, ички ишлар органлари фаолиятини тезкор вазият тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ҳамда шу асосда салбий омилларни бартараф этиш борасидаги ишларнинг асосий йўналишларини белгилашни фаоллаштиришга хизмат қилади;

тўртинчидан, ички ишлар органлари тизимида ахборот-таҳлил фаолиятини ижодий самараси, унинг натижасида тегишли маълумотларни тадқиқ қилиш орқали алоҳида фактлар тегишли ишни ташкил этишга ёрдам берадиган якуний тайёр маҳсулот

(маълумот)ларга айланади ва мақсадли фойдаланиш илмий прогнозлар қилиниши учун муҳим манба бўлади.

бешинчидан, сўнгги йилларда раҳбарларнинг хизмат фаолияти давомида бажарилган ишларига баҳо беришда ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш учун муҳим алоқа тизими сифатида қараш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар / Ипользованная литература

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони // Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №15. – 243-м.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “ Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2898-сонли қарори// Lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 100-сонли буйруғи.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “А-Т” ҳарфлари. <http://www.ziyouz.com>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016. – № 38. – 438-м.
7. Рахимов С.А. Божхона органларида ахборот-таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти//Жамият ва инновациялар журнаи. Илмий мақола. 2181-1415/© 2022in ScienceLLC.
8. Курносков Ю.В. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы .– М. : РУСАКИ, 2004. – 512 с.
9. Филиппенкова Д.З. [spravochnick.ru/informatika/informacionno-analiticheskaya-deyatelnost /](http://spravochnick.ru/informatika/informacionno-analiticheskaya-deyatelnost/),02.03.2022.

10.[http: // uza.uz./posts/356818](http://uza.uz/posts/356818).

11.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисига 2021 йил якуни бўйича 2022 йил 19 март кунидаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги АХБОРОТИдан. [http: // uza.uz./posts/356818](http://uza.uz/posts/356818).

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сонли қарори.